



Қалбим қаттиқлашиб, йўлларим бўлганда тамом,

Умид нарвонин қўйдим, Сенинг эшигинг томон.

Вақтим оз бўлиб Университетдаги дарсларим билан машғул бўлишимга қарамай, хат ёзишиб туриш учун халқаро журналга обуна бўлдим. Дунёнинг турли бурчакларидағи кўп дўстларим билан алоқам бор эди. Биз бир-биримизга суратлар ва маркалар жўнатаб турардик. Университетдаги учинчи ўқув йилининг охирида ва ёзги таътилдан олдин бир нечта давлатларга сафар қилишни ўйладим, биринчидан ўша давлатлар билан танишаман, иккинчидан, икки йилдан бери мен билан алоқаси бўлган дўстларим билан ҳам бевосита танишиб оламан, қолаверса бу мавзу иқтисодий томондан менга нисбатан енгил, чунки мен кўп маблағ сарфламайман. Икки-уч кундан то бир ҳафтагача дўстларимнида меҳмон бўламан. Бошқа томондан дўстларим мени тарихий жойлар ва саёҳат қилинадиган ўринлар билан таниширадилар. Мен уларнинг ҳузурида ҳурматли ва эътиборли меҳмон бўламан. Ҳеч нарсага муҳтож бўлмайман. Саёҳат йўналишини туздим. Демак биринчи Францияни, кейин Германияни зиёрат қиласман. Кейин Испания, Мағриб, Мисрга бораман ва ниҳоят ўз шаҳримга қайтиб келаман. Бу йўналишни ўша давлатлардаги кўпчилик дўсталарим билан биргаликда туздим. Улар менинг боришимни хурсандлик билан кутиб олдилар.

Ўқув йилини, Аллоҳга шукр, муваффақият билан тамомладим. От-онамга сафарга чиқишимни айтдим. Улар бунга қаршилик билдирамадилар. Фотоаппарат ва баъзи зарур қоғозларни ҳозирладим. Шунингдек, дўстларимнинг адреслари ва телефон рақамларини ҳам унутмадим. Ўзимни кўрсатиш ёки чиройли бўлиш учун эмас, саёҳат



учун кетаётганимга ўзимни ишонтирдим. Шунинг учун оддий кийимлардан сотиб олдим ва ўзимга етарли пул олдим.

Биринчи бекатимдаёқ инглиз тилим менга ёрдам бермади. Чунки Франция халқи фақат француз тилида гаплашар экан. Лекин кўналғадан Парижга таксига минган вақтимда маълум бўлдики, меҳмонхоналар ва катта савдо марказларининг хизматчилари инглиз тилида гапирав эканлар. Оддий меҳмонхонага жойлашдим. Ҳаво совуқ эди. Кўриниб турибдики, кийимларим совуқقا чидамайди. Баданим совуқдан титрай бошлади. Биринчи кеча ўтди. Париждан узоқ шаҳарда турадиган дўстимга кўнғироқ қилиб, келганимни айтганимда, менга хурсандчилик изҳор қилди ва эртага мени ўзининг шаҳрида, поезд вокзалида кутиб олишини айтди.

Эртаси куни чамадонимни кўтариб поездга ўтирдим. Ўзимдаги тасмаларни тугаб қолишидан қўрқиб, кўп сурат олганим учун ўзимни койидим. Лекин табиат манзаралари ўзининг гўзаллиги билан мени шайдо қилиб қўйди. Поезд етиб боришидан бироз олдин, бир кўришда таниб олишим учун француз дўтимнинг суратини олиб яхшилаб кўриб олдим. Чунки илгари биз бир-биримизни кўрмаган эдик. Поезд тўхтаб, вагондан тушган вақтимда дўстимни ҳеч қандай қийинчиликсиз таниб олдим. У мени уйига олиб кетди. У инглиз тилида, яъни орамиздаги хат ёзишув тилида гапиради. Уларнинг олдида беш кунга чўзилиб кетган ажойиб кунларимни ўтказдим. Унинг шахрини томоша қилиб, у ердаги саёҳат қилинадиган жойларни кўрганимдан кейин, у билан бирга бошқа шаҳарга бордим ва у ерда икки кун турдик. Кейин яна бирга парижга қайтиб келдик ва Парижда унинг дўстларидан бириникида уч кун ўтказиб, кейин Германияга жўнаб кетдим.

Яна ўша тил муаммоси. Чунки германияликлар фақат немис тилида



гапирадилар. Дўстимнинг сайёраси бўлгани учун Германияда кўпроқ айландим. Бу гарчи, поездда сафар қилишдан ва оммавий саёҳатларда бўладиган баъзи роҳатлардан бизни маҳрум қилган бўлсада, бизга эркин ҳаракат қилишимиз учун ёрдам берди. Нима бўлганда ҳам, Германияда бир ҳафта турдим. Дўстим ҳам менга ўхшаб ўзининг таътилида дам олаётган экан. Шунинг учун биз уларнинг уйида бир кундан ошиқ турмадик, биргаликда Германияни айландик. Биз беш минг километрдан ортиқ масофани босиб ўтдик. Бу бизни сайёра ёқилғисини сотиб олишга мажбур қилди. Бу пул ўртамиизда тенг баробар эди. Германияни Франциядан кўра кўпроқ томоша қилдим. Чунки германиялик дўстимнинг моддий ҳолати яхши эди. Гарчи бизга қариндошлари айтарли хизмат қилмаган бўлсалар ҳам, унинг Германиянинг турли бурчакларида қариндошлари бор эди.

Германиядан Испанияга жўнаб кетдим. Мен у ерда узокроқ туриш учун план тузиб олдим. Испанияни кўриб кўзингга ёш келади.

Андалус ҳақида нимани биласиз? Андалуснинг ағдарилиши тўғрисида марсия қасидасини эшитмаганмисиз?

Нимаики етса ўз поёнига,

Унга нуқсон етмоғи ҳаммага аён.

Бу ёруғ оламда яхши ҳаётга,

Берилиб, алданиб қолмасин Инсон.

Бир шодлик келтирса бу чархи фалак,



Ўн ғам-андухла этади ҳалок...

Юрагинг сиқилиб, тилинг ожиз бўлиб қолади... Қадимги ёдгорликларни тавсифлаб беришдан тил ожиз!... Давлатнинг буюклиги, биносининг салобати... мана бу эса унинг оқибати.

Қачон масжидга кирсам, қалбим титраб кетади...

Қанча-қанча рукуъ қилувчилар кетдилар...

Қанча-қанча ибодат қилувчилар ўтдилар...

Хозирчи? Одамлар ўзлари билан овора.

Мана бу мармар тошга солинган нақш.. бу гумбаз ва бу... Ислом гўё бинолардан иборатга ўхшайди...

Андалус масжидлари бизнинг масжидлардан ажралиб туради. Неча марта ўзимизнинг маҳалла масжидига намоз учун кирганимда, кипригимда ялт этган томчи кўринмасди. Ҳозир бўлса мен саёҳатчи бўлишимга қарамасдан бутун баданим титраб кетяпти... Бу масжидларда на бир обид бор ва на бир намозхон...

Испаниялик дўстим мусулмонларнинг бу ерда бўлган вақтларида қилган адолатларини ва тарихий маълумотларни сўзлаб берди. Бу маълумотларнинг тўғрисини нотўғрисидан ажратолмайман. Ҳар гал у сўзини тугатган вақтда уни тасдиқлаганнамо бошимни қимирлатиб қўяман, лекин жавоб тополмайман.



Қалбим титраб кетяпти. Улар ислом тарихи – ота-боболарим тарихидан сўзлаб беряптилар. Мен эса бу тарихдан ҳеч нарса билмайман. Балки мен ўйлаяпман. Мен шу дунёни забт этган кишиларнинг авлодиданманми, йўқми?... ҳайратдан донг қотиб, Андалусдан жўнаб кетдим. Денгиз йўли орқали Мағрибга етиб бордим. Кейин автобус билан мағриблик дўстимнинг қишлоғига кетдим. Қишлоқ Жазоир чегарасига яқин жойда эди. Қишлоққа етиб келдим. Саҳронинг ўртасидаги осойишта қишлоқ. У менга ўз қишлоғимни эслатарди. Мен манзилни суриштиришга муҳтож бўлмадим. Жобирнинг уйи қаерда?...

Хамма уни танийди.

Нотаниш одам...

Хамма менга қарайди.

Улардан бири менинг Маккаи-Мукаррамадан келганимни билган пайт қўлимдан ушлаб олиб кетди. Қўярда-қўймай чамадонимни кўтариб олди. Эшикни тақиллатдик. Бу Жобирнинг отаси. Ўзимни таништириш учун фурсат бермадилар. “Маккадан келган киши мана шу одам”. У мени кучоқлаб олди. “Марҳамат, хуш келибсиз”. Катта тантана...
Бундай ҳурмат- эҳтиромдан хижолат бўлиб кетдим. Улар ўзлари айтишларича, мен учун катта тайёргарчилик кўришиб, бир ҳафтадан бери менинг келишимни иштиёқ билан кутаётган эканлар. Чой ичиб бўлгандан кейин, мени алоҳида хонага жойлаштирилар. Кечкурун “Қишлоқ аҳолиси сени кўришни истаяптилар”, - дейишиди.

(Н и м а а ?!...) Мени кўрадилар?!...

Йиғилиш маросимида мени тўрга чиқариб қўйишиди. Даврани олиб



бордиган киши мени қизғин олқишилади. Бу маросимга ҳамма бўлмаса ҳам, қишлоқ ахлиниңг кўпчлиги келган эди. Эркаклар, аёллар ва гўдаклар... Шундан кейин масжид имоми Маккаи-Мукаррама ва Мадинаи-Муунавваранинг фазли ҳақида гапирди ва у ҳам сўзининг охирида мени олқишилаб, «Ҳозир ваҳий еридан, Қуръони Карим нозил бўлган жойдан – Макка ва Мадина еридан келган меҳмон сизларга гапириб беради”, - деди.

Мени худди яшин уриб юборгандек бўлди. Бир оз олдин улар гапираётганларида кулиб ўтиргандим. Лекин улар мендан сўз талаб қилганларида рангим ўзгариб, икки тиззам мени кўтаролмайдиган даражада титрай бошлади. Тилим тутилиб қолди. Мен бундай йиғинда гапиришга одатланмаганман, кейин нимани ҳам гапираман. Мен иқтисод олийгоҳининг талабаси бўлсам. Бунинг устига менда на шаръий ва на маданий маълумот бор. Лекин Аллоҳ осон қилди. Уларга Ҳарам, Каъба ва ҳаж ҳақида гапириб бердим ҳаж ҳақида кўп гапирдим, чунки у мен олдиндан яхши билган оддий мавзу бўлиб, менда ҳар ҳаж мавсумида рўзномаларда бериб туриладиган янги, йиллик маълумотлар бор эди. Уларнинг ҳажга боришларини сўраб Аллоҳга дуо қилдим. Овозлар, йиғи ва “Омин” деган товушлар кўтарилид... Аллоҳнинг Ўзи гувоҳ мен Аллоҳдан қўрққанимдан бу ҳолатни кўриб қўрқиб кетдим. Ҳаяжонланиб гапира бошладим, гўё мен ўзимга “Тавба қил” деб хитоб қилаётгандекман. Мен гапира туриб йиғидан бўғилиб қолдим. Кейин йиғладим. Ҳамма бироз жим бўлиб қолди. Мен гўё қизиқ бир тушнинг ичидагандек, уларнинг ярми йиғи, бошқа ярми маҳаллий лаҳжада мен тушунмайдиган сўзлар билан гапира бошладилар. Мен гўё ўзим қаҳрамони бўлган театрни томоша қилаётганга ўхшайман. Бу йиғиндан кейин кечки овқатга таклиф қилиндиқ, овқат келганларнинг барчасига етарли бўлган эди. Лекин мен овқат еб, маза қилмадим. Ичимда ўзим билмайдиган бир нарса



бор эди. Хонамга бордим ва эшикни ичидан беркитиб юзимни ётсиқقا босиб олиб йиғладим. Ёстиқ кўз ёшларимдан хўл бўлиб кетди. Уй эгалари мени эшитмасликлари учун овозимни пасайтиришга уриндим. Қачон йифидан тўхтаб қолганимни билмайман. Лекин уйқу менга ғолиб келибди, эҳтимол сафар машаққати ухлашимга ёрдам қилгандир...

Эшик тақиллади. Бомдод намози... Масжидга чиқдим. Қалб хушуъси билан намоз ўқидим ва намозда йиғладим. Фикрим сочилиб кетаверди. Менга нима бўлганини, кунларим қандай ўтаётганини билмасдим. Лекин тунларим йиғи бўлди. Кундузлари эса фикримни жамлай олмайдиган бўлдим. Уларнинг мени яна бироз туришимга қаттиқ туришларига қарамасдан, ўз шахримга қайтиб кетишга қарор қилдим. Жиддага бориб, Жиддадан Маккага ўтдим. Ҳарамда бир ҳафта турдим. Фақат зарурий ҳожат учун Ҳарамдан чиқардим. Диққат билан Қуръон ўқий бошладим. Ҳокисорлик билан намоз ўқирдим. Дил осойишталиги билан тавоғ қиласдим. Мен буларнинг ҳаммасидан қаерда эдим? Ўтган йилларимда қаердайдим? Ўтган ишларимни эслашга тоқатим етмади, чунки ўтмиш ҳақида ўйласам, йиғи ва қаттиқ пушаймон менга ғолиб келарди. Қуръонни очиб ўқийман- у, кўз ёшларим дув-дув оқади. Ўтган йилларимда бу кўз ёшларим қаерда эди? Билмайман... Ҳарамда бўлаётган дарслар менинг кўнглимни тинчлантириди. Ибнул Қойимнинг «Ҳаадил арвоҳ ила биладил афроҳ» «Тантаналар юртига рағбатлантирувчи» деб номланадиган ва яна бир “Воҳатул имон” номли Абдулҳамид ал Билолийнинг китобларини сотиб олдим.

Буларнинг ҳаммасидан олдин, гуноҳларни кечиравчи ва тавбани қабул қилувчи Аллоҳга ҳамду- санолар бўлсин!